



## ЖИГАРИСТОН:

### «ИЗВЕСТИЯ»

## ЎЗНОМАСИНИНГ ТАҲРИРИЯТИГА

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги Жигаристон қўрғонидан юз берган табиий офат — кўчки муносабати билан ҳамдардлик билдирган мамлакатлар, республикаларнинг раҳбарларига, шунингдек ташкилотлар, корхоналар жамоаларига ва айрим фуқароларга газетангиз орқали миннатдорчилик билдиришга руҳат этгайсиз.

Ўзбекистон ССР  
Президенти  
**И. КАРИМОВ.**

## БУТУН ДУНЁ ЁРДАМИ ВА ҲАМДАРДЛИГИ

Жигаристондаги фожияли воқеалар бутун дунёнинг эътиборини ўзига қаратди. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов номига ҳамдардлик телеграммалари ва ёрдам тўғрисида хабарлар келиб турибди.

Бу телеграммалардан бири Эрон Ислон Республикасидаги мусулмонлар учун муқаддас Қум шаҳридан келган. Унда, жумладан, бундай дейилади: «Бисмиллоҳу раҳмонураҳим. Табиий офат юз бериб, одамлар нобуд бўлганини эшитиб қаттиқ қайғурдим. Сизларга, шаҳид бўлганларнинг оилаларига, мамлакатингиздаги барча аҳли муслимга самимий ҳамдардлик билдираман. Оллоҳ ёрлақасин. Абдул Карим Мунаввий Ардабелий».

Яна бир телеграмма Москвадан, СССР Давлат чет эл туризми комитетидан келган. Унинг жамоаси жумҳуриятда юз берган табиий офат муносабати билан самимий ҳамдардлик билдириб, жабрдийдаларга ёрдам бериш ва фожиа оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистонга 50 минг АҚШ долларини ўтказди.

Учинчи телеграмма Фарғонадан келган. Уни Фарғонадаги «Орзу» ёшлар ўй-жой комплекси жамоаси юборган бўлиб, жамоа ўз даромадларидан ёрдам жамғармасига икки минг сўм ўтказганлигини Президентга маълум қилган.

(ЎзТАГ).



Суратларда пойтахтдаги Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган Ўзбекистон радиоси ижодий ходимларининг меҳнаткашлар билан учрашувдан лавҳалар акс этган. Учрашувда ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари ҳам иштирок этишиб, йирилганларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

1. Жумҳурият ички ишлар вазири ўринбосари милиция генерал-майори Гафур Раҳимов.
2. Журналист Эркин Худойберганов.
3. Меҳнаткашлар саволлар билан мувожабат этишмоқда.

Суратлар муаллифи

Ҳабибулла ШОДИЕВ.

## «02»

## ХАБАРЛАРИ

### «ХУНАРЛИ» УСМИР

Қўлида «гулдай» ҳунари бўла туриб 15 ёшли тошкентлик Б. Иброҳимов беҳудага касб ўрганиш учун 33-хунар-техника билим юртида ўқиб юрган экан. Бунга 15 май куни эрталаб соат тўққизларда метронинг «Чорсу» бекати атрофида хизматини ўтаётган милиция катта сержанти Х. Жусипбеков гувоҳ бўлди. Олдига ҳаллослаб келган Қизил Урда шаҳрлик Д. Муротова унга мувожаат қилди. Маълум бўлишича, «Болалар дунёси» кўпмолли дўкони яқинида номаълум ўспирин сумкаси-дан 1200 сўмни суғуриб олган. Қочиб бораётган йигитчани ҳам ўша аёл кўрсатди. Ўғри тўхташ ҳақидаги талабга бўйсунмасдан чорраҳада машинага ўтириб, кўздан гоийиб бўлишга уринди. Милиционер ҳавога огоҳлантирувчи ўқ узгач, машина жойида қотди.

### ЯНГИЙЎЛЛИК РЭКЕТЧИЛАР

Янгийўллик рэкетчиларга жуда қийин бўлиб кетган кўрнали. Яқинда улардан бир гуруҳи «нон» дардида Жиззах вилоятининг Зомин туманига келиб, «Прогресс» давлат хўжалиги ошпазига дўқ уришди. Эс-ҳушини йиғиб олган С. туман ички ишлар бўлимига бериб, тов-ламачлар 6 минг сўм пул сўрашаётганини, акс ҳолда уруғини қуритишлари мумкинлигини айтиб берди.

Белгиланган кун етти нафар янгийўллик рэкетчи 6 минг сўмни кўртдай санаб олишаётганида, қўйилган қопқонга тушдилар. Улар бошқариб келган қўлнинг ўргилсин иккита «Об» ичидан ясама пичоқлар, ханжар, 3532 сўм пул, 3 та нунчак ва Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирининг тамғали муҳри топилди.

### ФАЛОКАТ

Фалокатга учраган «АН-2» самолёти Муборак газни қайта ишлаш заводининг чўлдаги ёрдамчи хўжалиги ҳудудига қулаб тушди. Қарши бирлашган авиаотрядига тегишли мазкур самолёт экипажи — командири И. Горбақ ва иккинчи учувчиси Э. Чихоев ҳалок бўлди. Фалокат сабаблари ўрганилмоқда.

Ғ. ЖУРАЕВ.

## МИРШАБЛАР

қошида маҳсус ҳисоб жамғармасини очишга эришдик. Тез орада анчагина пул йиғилди. Кейин яна ўйланиб қолдик. Агар кўнгилли халқ дружиначилари гуруҳи ташкил этсак, улар кўпи билан кечаси 12-1-ларгача шаҳар айланиб юришлари мумкин. Шунда бошқа бир фикр ҳаёлимизга келди. Мабодо тунги милиция гуруҳи ташкил этилса-чи! Кечаси фуқаролар осойишталиги шулар бўйнига қўйилса. Бу фикр ҳаммага маъқул тушди. Шундай қилиб миршаблик хизмати ташкил этишга қарор қилдик.

— Мен 20 йилдан бери шу соҳада ишлаб келаяпман. 2 йилдан кўпроқ вақт бўлиб қолди бу ерда ишлаётганимга. Тажрибамдан келиб чиққан ҳолда шунини яна таъкидламоқчиманки, 70-80 фоиз жиноят асосан одамлар дам олишга ётган пайтлари қилинади. Ма-на шунинг олдини олиш учун биз шаҳримизда жойлашган ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда кўнгилли халқ дружиначилари тузиш учун шаҳар ижроия кўмитаси

маънони англади. Энди миршаблар олдида турган вазифа ҳақида тўхталмоқчиман. Бу гуруҳ беш ёки олти ходимдан иборат бўлиб, уларнинг асосий вазифаси тунги шаҳарда тартиб ўрнатиш ва жиноятга йўл қўймаслик. Миршабларнинг иши кечки соат 23 дан то эрталаб 600 гача чўзилади. Улар ана шу даврда шаҳарда сөөк юрган шахсларни текширувдан ўтказишди, нима мақсадда юрганлигини аниқлайди. Тунги милиция гуруҳи орасида ДАН ходими ҳам бўлиб, у транспорт воситаларини, ҳайдовчиларни назоратдан ўтказди. Эрталаб эса гуруҳ раҳбари тундаги ишлари ҳақида ёзма ахборот топширади. Шунда биз

кечаси шаҳримизда қандай воқеалар содир бўлганлигини яққол билиб оламиз.

Қисқаси мақсадимиз шуки, шаҳримиз аҳолиси ўз хизмат вазифаларидан ҳориб-толиб чиққанларидан сўнг тинч дам олсин, уларнинг мол-мулки ва ҳаётларига ҳеч ким хавф солмасин.

Шу кунга келиб, ҳисоб жамғармамизда 90 минг сўмдан ошқол пул бор. Бу йирилган маблағга хизмат автомашинаси ҳамда керакли жиҳозлар сотиб олишни режалаштириб қўйибмиз.

Хуллас, ниятларимиз катта. Бугун-эрта миршабларимиз иш бошлайдилар.

Сўхбатдош Қодиржон  
**МУҲАММАДЖОНОВ,**  
Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазирлиги ходими милиция капитани.



4 май кунн эрта тонгда Ангрендаги Жигаристон кўрғонда юз берган табиий офат бутун жумҳуриятимизни ларзага солди. Жабр кўрган аҳолига биринчилар қаторида вилоят ички ишлар идораларининг ходимлари ёрдамга келдилар. Улар бугунги кунда ҳам жабрдийдаларга ҳамдард бўлишиб, фалокат оқибатларини бартараф қилишда фаол иштирок этмоқдалар. Биз воқеа содир бўлган жойда вилоят милицияси ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳукумат комиссиясининг аъзоси, вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи милиция полковниги Зокиржон Алматович АЛМАТОВ билан сўхбатлашдик.

— Зокиржон Алматович, тўсатдан рўй берган табиий офат ҳар қандай одамни ҳам довдиратиб қўяди. Ҳамма ерда тўс-тўполон, айқаш-уйқаш бўлган шароитда вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг ҳаракатларини шахсан ўзингиз қандай баҳолайсиз?

— Энг аввало офатнинг катта-кичиги бўлмайди. У ўз номи билан офат, оқибати эса ҳар доим хунук.

Ички ишлар идораларининг ходимлари ҳар қандай шароитда ҳам эсанкирамадан, додирамасдан вазиятни тўғри баҳолашлари ва лозим бўлган ишларни амалга оширишлари керак. Гапнинг тўғриси, кейинги икки-уч йил давомида ходимларимиз Пскент, Бўстонликда юз берган бахтсиз ҳодисалар пайтида ўзига хос чиниқш мактабини ўташди. Улар Жигаристонга ҳам ўз вақтида ёрдамга етиб келдилар.

Жигаристон кўрғонидаги офат тўғрисида ўша кунн эрта тонгда 9-шахта диспетчери шаҳар ички ишлар бўлимининг навбатчилиги қисмига хабар берган. Навбатчи офицер О. Қорабоев зудлик билан тезкор гуруҳ-

раҳбарлигида жабрланганларни қутқариш, аҳолини зудлик билан хавфсиз жойга олиб чиқиш ва транспорт ҳаракатини бошқариш каби ишларни бажаришга киришган эдилар.

Бошқарманинг жамоат тартибини сақлаш, ёнғиндан сақлаш, давлат автомобиль назорияти ва бош-

Қилинган ва қилинаётган ишларнинг барчасини санаб ўтиш қийин, аммо уларнинг натижаси аниқ: воқеа содир бўлган пайтдан ҳозирга қадар бу зонада биронта ҳам жиддий ҳуқуқбузарликка йўл қўйилмади.

Мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда шахсан мен вилоят ички

дуқодир Юсуповни, шу бўлим навбатчиси милиция майори Обиджон Қорабоевни, бошқарма навбатчилиги қисми навбатчиси милиция подполковниги Вениамин Кимни ва бошқа ўнлаб ходимларни, жамоат тартибини сақлаш, ёнғиндан сақлаш ва давлат автомобиль назорияти хизматларининг бир қатор бўлимларини санаб ўтиш мумкин.

— Зокир ака, мана шу ғайриоддий бир вазиятда оддий фуқароларнинг милиция ходимларига нисбатан муносабатлари қандай бўляпти?

— Беш панжа барабар бўлмагани каби фуқароларнинг милиция ходимлари ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги фикрлари ҳам ҳар хил. Биров бизни ёқласа, биров тескараси. Аммо кўпчилик ички ишлар идораларининг ходимлари олдида қўйилган вазифаларни, уларни бажаришдаги қийинчиликларни тўғри тушуномқда ва маъқулламоқда.

— Ҳукумат комиссиясининг аъзоси сифатида амалдаги қонунчиликда мана шундай ҳолларни кўзда тутувчи қандай ўзгаришлар киритилиш лозим, деб ҳисоблардингиз?

— Жумҳуриятда бўлмаса ҳам, Жумҳуриятлар Иттифоқининг «Фавқулодда ҳолат шароитида ҳуқуқий тартиб тўғрисида»ги қонуни мавжуд ва у амалда. Бу қонун ўтган йили 3 апрель кунн ССЖИ Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган. Энди бу ёғи мана шу қонунда ёзилганларни тўғри амалга оширишда қолган. Жумҳурият миқёсида шу хилдаги қонуннинг қабул қилинишини жуда шошилиш, деб ҳисобламайман.

Қолаверса, фожиа юз берган дастлабки дақиқалардаёқ у ерга жумҳуриятимиз Президенти ўртоқ И. А. Каримов, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Ҳўрабеков етиб бордилар, махсус ҳукумат комиссияси тузилди ва иш олиб бораляпти.

Вилоят ички ишлар идораларининг ходимлари эса ҳар қандай шароитда ҳам доимо халқимизга ёрдам кўрсатишга тайёрдирлар, бу биз учун фақат хизматимиз талаби бўлибгина қолмай, балки виждонимиз амридир ҳам. **Суҳбатни Баҳодир ДАВЛАТОВ ёзиб олди.**

ЖИГАРИСТОН: ФАЛОКАТ ВА ЖАСОРАТ

ҲАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ҲАМ ЁРДАМГА ТАЙЁРМИЗ

ни воқеа содир бўлган жойга юборган, шахсий таркибга фавқулодда йиғилиш эълон қилган, бошқарма навбатчисини, шаҳар раҳбарларини ва бошқа ташкилотларни хабардор қилган.

Мен ҳам бу хабарни эшитишим билан бошқарма навбатчисига мана шундай вазиятларда ҳаракат қилиш дастурига мувофиқ иш олиб бориш юзасидан кўрсатмалар бериб, Ангренга йўл олдим.

Содир бўлган воқеанинг ҳақиқатдан ҳам жиддийлигига Жигаристонда яна бир бор амин бўлдим. Мен бу ерга етиб келганга қадар Ангрен шаҳар ички ишлар бўлимининг ходимлари милиция подполковниги Абдуқодир Юсупович Юсупов

қа бўлимлари ҳамда Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими бошлиқларидан ташкил этилган тезкор штаб вазиятни атрофлича кўриб чиқди. Шаҳарда киноятчиликка қарши курашнинг умумий аҳволи, кўплаб ўғирлик ҳоллари содир этилаётгани ҳисобга олиниб, вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларидан қўшимча кучлар жалб этишга қарор қилинди ва ўша кунн тушдан сўнг Жигаристонга яна 350 нафар милиция ходими етиб келди.

Ёрдамга етиб келган ҳар бир милиция ходими ўз олдидаги масъулиятини чуқур ҳис қилиб, уларни бажаришга киришди.

Фалокат бўлган жой милиция ходимлари ва аҳоли мудофааси кучлари томонидан ўраб олинди, барча йўлларда давлат автомобиль назорияти постлари ташкил қилиниб, йўл ҳаракати қаттиқ назорат остига олинди.

Одамлар гавжум жойларда ва маросимлар ўтказиш пайтида жамоат тартибини сақлаш ишлари йўлга қўйилди. Аҳолини хавфли зонадан кўчириш муносабати билан жабрланганларнинг уй-жойлари ва мол-мулкларини кеча-кундуз кўриқлаш ташкил қилинди.

Воқеа юз берган дастлабки дақиқалардан то ҳозиргача жабрланганларга ҳамдардлик билдириб, ёрдам қўлини чўзиб келаётганларнинг охири кўринмаляпти. Улар олиб келишган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва бошқа ашёларни аҳолига адолат юзасидан тақсимлашда милиция ходимлари яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

ишлари идоралари ходимларининг фавқулодда ҳодиса оқибатларини тугатиш борасидаги ҳатти-ҳаракатларини ижобий баҳолайман.

— Кўчкнинг қайғули оқибат билан тугашининг асосий сабаби нимада деб ҳисоблайсиз?

— Бу саволга ҳозирча аниқ жавоб бериш қийин. Бутун бир кўрғон аҳолисини ўзлари яшаб турган жойдан кўчириш осон бўлмасди ҳам. Шунга қарамадан мансабдор шахсларнинг бу жойдаги аҳоли хавфсиз яшаши билан боғлиқ чораларни кўрмаганлиги фактлари бўйича тергов олиб бориш жумҳурият прокуратурасига юклатилган. Тергов натижаларига шу сабабларни ойдинлаштириб беради.

— Мана шу қайғули воқеа оқибатларини бартараф қилишда ўз вазифаларига алоҳида масъулият билан ёндашиб, жонбозлик кўрсатган қайси милиция ходимларини ва бўлимларини кўрсатиб ўтишни истардингиз?

— Шу офат оқибатларини бартараф қилиш мобайнида қатнашган ва қатнашаётган ходимларимизнинг барчаси мақтовга лойиқ. Улар ўз онлаларидан узоқда, қийин шароитларда туну кун хизмат қилишиб, сабр-бардош билан жабрдийда аҳолига ҳамдард бўлмоқдалар, оғирларини енгиллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Алоҳида жонбозлик кўрсатган ходимларимизни биз муносиб тақдирлаймиз. Шундай ходимлар қаторида Ангрен шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи милиция подполковниги Аб-



СУРАТКАШ ЯНГЛИШДИ

Турли қиёфаларни кўравериб, кўзи яшиб кетган сураткаш А. Ястребов қаттиқ янглишганини кейин англади. Байрам кайфиятидаги йиғит эшинини тақиллатганлар чехрасидан ниятлари бузуқлигини сезмади. Эшинки очар-очмас останада турганлар ичкарига бостириб киришди. Ҳайрон бўлиб қолган сураткаш уларнинг талабини эшитиб, баттар ажабланди.

Ўзини тугиб олгач, улар сўраган 300 сўмни бермаслигини айтди-ю балага қолди. Рад жавобини олган босқинчилар ғазаб отига миниб, уй эгасини хумордан чиққунча дўшослашди. Кейин магнитофон кассеталарини йиғиштириб, кўздан ғойиб бўлишди. Орқасидан тушган милиция уларни қўлга олди. Рус, ўзбек ва белорус миллатидан иборат «байналмилал» жиноий гуруҳ ҳозир терговда жавоб бермоқда.

Ғ. ТЕМИРОВ.

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг постпатруль хизмати бўлагининг 1-ротаси милиционерлари пойтахтдаги Чилонзор туманида эл осойишталигини кўриқлашади. Милиция старшинаси Абдуғани Холбоев 1-ротанинг энг яхши тартиб посбонларидан бири ҳисобланади.

Ҳаракатчан, одамлар ташвишига ҳамдард бу йиғит ўзига биркитилган маршрутда доимо тартиб бўлишига эришиб келмоқда.

СУРАТДА: милиция старшинаси Абдуғани Холбоев ихчам радиостанция ёрдамда маршрутидаги аҳвол ҳақида командирларига ахборот бермоқда. **Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.**



ТОВУҚ ШЎРВА МАЗАСИ

Ҳали балоғат ёшига етмаган Рустам билан Умидларнинг тушига кирганими ёни ҳозирги қимматчиликда мазаси бошқачароқ бўлар эканми, ишқилиб товуқ шўрва ичгилари келиб қолса бўладими. Кўнгилга буюриб бўлмайди, деганлари ғирт тўғри экан. Икки азамат ҳе йўқ, бе

йўқ тўппа-тўғри. Султонов кўчасида яшовчи М. нинг товуқхонасини мўлжалга олишди. Тунги соат 2 ларда саралаб 9 та товуқни беамалол олиб чиқиб кеттишди.

Эртаси хўроз қичқирганидам сўнг товуқларидан айрилиб қолганини сезган уй

соҳибни оёғини кўлига олиб Фаргона шаҳар ИИБга мурожаат қилди. Милиция ходимлари Рустам ва Умидлардан гумон қилиб хонадонга ташриф буюришганларда, қозонда биқирлаб қайнаб ётган 3 та товуқни кўриб, ўзларининг ҳам иштаҳаси очилиб кетди. Халос-

УЛГУРМАДИ

1969 йилда туғилган, Тошкентнинг Чилонзор даҳасида яшовчи Александр Исаченко шу йил 11 май кунн Фрунзе тумани ИИБга келтирилди. У Герцен кўчасидан «ВАЗ-2103» белгили автомашинани ўғирламоқчи бўлган эди. Лекин ДАН ходимлари М. Маматқулов, К. Болтаев, М. Раҳматовлар унинг шум ниятини пучга чиқаришди.

**Бахтиёр ЭРМАТОВ,** милиция майори.

корларини сезишдими, ҳарқалай ваннага қамаб қўйилган товуқлар қақарлай бошлади. Тирин товуқлар билан бирга пиширилганлари ҳам эгасига қайтариб берилди.

Товуқ шўрвасини тотиб кўриш насиб этмаган бу «хўрандалар»га қонунда кўзда тутилган жазо насиб этади.

А. АҲМЕДОВ.



# ЎЗ-ЎЗИНИ ЗАҲАРЛАШ

Ҳар йили жумҳуриятимизда апрель ойидан бошлаб «Қора дори» операцияси ўтказилади. Штатсиз муҳбиримиз Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи милиция подполковниги Шарифхон Умархоновга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Шу йилнинг ўтган 4 ойи ичида 244 киши гиёҳванд дориларни сотаётганида ва сақлаётганида қўлга олинди. Уларнинг 177 нафарига нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, судга ҳавола қилинди. Бу рақамлар ўтган йилнинг 4 ойига қараганда бир мунча ортди. Улардан 50 килограмму 464 грамм гиёҳванд дорилар тортиб олинди.

— Шарифхон Умархонов, Сиз айтиб ўтган 50 килограмму 464 грамм бу қандай гиёҳванд дорилар?

— Булар асосан гиёҳвандлардан ва уларни сақлаётганлардан тортиб олинган марихуана, наша, кўкнори, қора дорилар. Энди улар одамларни заҳарлаш учун эмас, балки касалларнинг дардларига шифо бериш учун хизмат қилади.

— Сизнингча, биринчи навбатда гиёҳвандликнинг камаяishi учун нималар тўққинлик қилмоқда?

— Муаммолар кўп бўлиб, ҳеч ким шаҳарнинг кўз илғамас кенгликлариде, сув бўйларида, ташландиқ жойларда ёввойи ҳолда ўсиб ётган гиёҳванд ўсимликларни йўқ қилиш ишлари билан қатъий шуғулланаётгани йўқ. Баъзи жойларда наша, кўкнори каби ўсимликлар ўсишини маҳалла аҳли билсада, кўрмаганликке олиб юрибдилар. Қолаверса, қора дори ёки гиёҳванд дориларни ўз хоҳишлари билан топширганлар жазодан озод қилинадилар. Аммо бирон бир кимса ҳали ўз хоҳиши билан бу ишни қилмади.

Шу йилнинг ўзида Қорасув бўйларидаги 462 квадрат метр жойдаги ёввойи наша ўсимликлари йўқ қилинди.

— Сиз хизмат қилаётган бошқармангиз ходимлари то-

монидан фош қилинган гиёҳвандлар ҳақида мисоллар борми?

— Шу йилнинг 18 февраль кунини Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида истиқомат қилувчи, 12-таксопарк ҳайдовчиси, 1964 йилда туғилган А. Рўзметов ўзи билан 10 килограмм «марихуана» деб аталувчи заҳарзаққумни Ҳамза туманининг «Октябрь 10 йиллиги» кўчасида олиб кетаётганида бўлими-миз ходимлари томонидан ушланди. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

1 февраль кунини Ленин тумани почтасида Ожний-Саханск шаҳридан келган, 1936 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Тен Сун Ен 5 килограмм кўкнорини берки-тиб қўйгани маълум бўлди. Аммо у кўкнорини сотишга улгурмади. ЖҚБ ходимлари томонидан гувоҳлар иштирокида қўлга олинди.

— Шарифхон Умархонов, қўшни хоржий мамлакатларда бу борада қандай кураш олиб борилаётган?

— Гиёҳвандликка қарши нафақат бизнинг жумҳуриятимизда, балки бутун дунёда кураш олиб борилаётган. Шу сабабдан 1988 йилнинг июль ойида Тошкентда, Болгария, Венгрия, Польша, Чехословакия ва мамлакатимиз ички ишлар вазирлиги вакилларининг гиёҳвандликка қарши халқаро учрашуви бўлиб ўтган эди. Ҳар йили апрель ойидан бошлаб жумҳуриятимизда «Қора дори» операцияси ўтказилмоқда. Ушбу операция чоғида қанчадан-қанча ерлар наша ва кўкнор ўсимликларидан тозаланмоқда. Бу ўтказилаётган тадбир нафақат бизнинг мамлакатимиз ички ишлар идоралари ходимларининг, чет элдан келган гиёҳвандликка қарши курашувчиларнинг ҳам эътиборини жалб қилди.

Шунга қарамадан ишни биргина милиция идоралари зиммасига ташлаб қўйиш билан гиёҳвандликни бартараф этиб бўлмайди.

Бу заҳарга қарши кураш бутун халқ жамият, ҳар бир софдил кишининг иши бўлмоғи лозим.

Сўхбатдош Икром РАҲИМОВ.

Юнуснинг отаси мана 35 йилдирки ошпаз бўлиб ишлайди. Кўпчилик ишбилмоллар орасида «Рокфеллер» лақаби билан машҳур. Унинг турмуши, юриш-туриши, муомаласи бу лақабни тўла оқлаган. Рокфеллер ёлғиз ўғлини бутун орттирган обрўси-ю, бор мол-мулкнинг вўриси қилиб ўстирмоқчи эди. Нияти холисмиди ёки тақдир ҳукми шу эканми, ўғли ўзгалардан ортиқ бўлса бўлдики, кам бўлмади. Шунга қарамай арзандаси биринчи марта ўғирликка қўл урди. Ота ўзини у ёққа ташлади, бу ёққа ташлади, охири тинчланди. Утган иш ўтиб кетди. Ўғил иккинчи бора ўғирлик қилди. Қамалди. Отанинг пуллари ҳам, довуғи ҳам унга ёрдам беришга ожизлик қилди. Рокфеллерлиги қуруқ лақаблигича қолди. Йигирма бир ёшида озодликка чиққан Юнусни яп-янги «ГАЗ-24» билан кўтиб олишди. Унинг симлар ортида қилган тавбалари-ю, пушаймонлари машина филдираклари остида изсиз қилиб кетди. Чўнтагидаги пул, бу ёшидагилар тугул ундан катталарининг ҳам тушига қирмайдиган «Волга» Юнуснинг кўнгил кўчасидаги тўсиқларни заррача писанд қилдирмай қўйди. Ўзига ўхшаган олифта-ю, панжара ортидаги тутқунлик «айшини» суриб чиққанларга қўшилиб, тусанган номаъқулчиликларни қила бошлади.

«Ўғлим уйланса, босилиб қолар»,— деган хаёлда ота уни уйлантириб қўйди. Жиноятчилик оламининг ёзилмаган қонунларини хўб яхши билган Юнус битта фарзандли бўлганида ҳам босилмади.

Шу йилнинг февралда 1973 йилда туғилган Диёр ва 1974 йилда туғилган Шокирлар билан байрамни нишонлаб ичшиди, сўнгра наша чекиб, кўчага чиқишди. Дайдиб Оқтепага келиб қарасакки, бир «ГАЗ-24» ҳайдовчиси турибди. Дарров учаласи ўриндиқларга ўрнашиб, бола-чақасига пис-та, хўроқанд харид қилиб юрган Шуҳратни кута бошлашди. Уларни кўрган Шуҳрат аввал ҳайрон бўлди. Гапи ўтмаслигини билиб, уларни айтган жойига — Тошкент туманига олиб боришга рози бўлди. Йўл-йўлакай йигитлар пичоқ тираб, унинг ёнидаги пулларга ароқ сотиб олдилар. Аммо манзилга етиб келганида, Шуҳрат энди улардан осонликча қутулмаслигини англади. Юнуснинг Тошкент тумани ҳудудида яшовчи синглисиникида ароқларни бўшатиб чиққан йигитларнинг энди батамом эс-хушлари жойида эмасди. Автомашина эгасини орқа ўриндиққа ўтиргизиб, рулни Юнуснинг ўзи бошқара бошлади. Машинани тўппа-тўғри Акмал Икромов туманида яшовчи қайнотасиникига бурди.

Куёвини маст-аласт ҳолда кўрган қайнотаси Ботир ака

уни қайтариш ўрнига чопони енгига пичоқни тикқанча машинага чиқди.

Шу ўринда қайнотанинг оиласида бир неча йиллар бурун бўлган воқеани келтирсак. Ботир аканинг ўғли бўларди. Анча эсли-хушли. Бир кунини ўғил ўз онасини бир неча уй нарида турадиган тенгдоши билан тўшақда ётганининг устига келиб қолган. Шу жойдаёқ ўртоғини чавақлаб ташлайди. Мурод етти йилга кесилади. Қўни-қўшилларнинг маломатига қолган аёл бошқа ёққа кўчади. Ботир яқка ўзи шу хонадонда қолади. Уйда қандай ишлар билан шуғуллангани бизга қоронғу, албатта.

Юнус қайнотасини олиб, Эски Жува томон йўл олганида соат кечки 11 ларга яқинлашиб қолганди. Қўл

қидиришадида. Қайнота-куёв гапни бир жойга қўйишди.

— Менга қара, сўтак. Агар кўрганларингни милиция эмас, катта холангга айтсанг ҳам, кетдим деявер. Бола-чақанг, хотин-поянинг, ҳаммаси билан нарёда учрашасан. Бугундан бошлаб ҳар бир қадамнинг кўзимиз остида. Аслида сени асполософинга жўнатиш керак эди. Тезроқ тилдан қолардинг. Майли, давримизда юриб тур. Ўла-ўлгунча оёғимизни ўпасан энди...

— Ҳозир асабларингни текшириб кўрамиз,— Юнус шундай дея машинани дарахтга бориб урди.— Машинангни урволдинг, тушунарлими. Сен бизни кўрмадинг. Бояги гап—гап!

Тўртволон биргалашиб қоронғулик қаърига шўнғиб кетишди. Ҳамон даҳшат ва қўрқув исканжасидаги Шуҳрат беҳол машина ўриндиғига ўтириб қолди. Ўзига ўзининг хўрлиги келди. Икки йил афгон урушида юриб нималарни кўрмаган эди. Аммо ҳозирги вазият... Она сути оғзидан кетмаган, пул қутуртирган муттаҳамлардан калтак еса, дўқ-пўписасини эшитса-я. Ватандан узоқда қолиб кетган дўстлари кўз олдидан ўтди. Мана мана бу маразлар яшаётганида улар ҳаётдан маҳрум бўлишди. Ўзгаларни деб жонларини қурбон қилишди. Уларнинг хотираси олдда ўзини тунхоқкор сездди. Ахир, улар... У эса ҳеч нарса қила олмади. Қўзларига ёш қўйилди. Ҳозироқ милицияга хабар беради. Ҳаммасини оқизмай-томизмай айтади. Шундай ярамаслар учун жанг қилганмиди? Ҳозироқ боради.

Бироқ у ҳеч қаерга бормади. Милиция тугул бошқасига ҳам ҳеч нарсани айтмади. Қўрқоқлик устун келди. Афгон тупроғида қилган мардликларини ўз юртида қила олмади.

Йўлдан ўтиб бораётган йўловчи қонга беланиб ётган чала жон кишини машинасига солди-ю, зинғиллаганча касалхонага олиб келди.

Жиноий иш қўзғатилди. Тергов, суриштирув бошланди. Жиноятнинг содир этилиши чегарасига қараб, бу ишга Тошкент вилояти ИИБ жиноят қидирув бошқармасининг 1-бўлинмаси бошлиғи милиция майори Қ. Саидов, темир йўлнинг Тошкент станцияси ИИБ оператив ходими милиция майори В. Пирожков, Тошкент шаҳар Октябрь тумани ИИБ ЖҚБ бошлиғининг ўринбосари милиция капитани Д. Қодировлар жалб этилди. Улар биргаликда тез фураатда жиноятни очишга эришдилар.

Юнус 9 март кунини қайнотаси 20 март кунини, Диёр ва Шокирлар эса 14 март кунини худди шу сингари жиноят содир этишаётганларида қўлга олиндилар. Суриштирув чоғида фақат бугина эмас, балки яна бир неча жиноятларни амалга оширганларни маълум бўлди.

М. ИБРОҲИМОВА, «Постда» мухбири.

## КУЁВНИ «УЛУҒЛАГАН» ҚАЙНОТА

кўтарган йўловчини мажбурлагандан баттар ўтиргизиб, «Болалар дунёси» томон елиб боришаркан, чорраҳадаги яна икки йигитни чиқаришди. Уларни ҳам зўрлаб машинага тикишиб, Новомосковский кўчасига буридилар. Кимсасиз жойда тўхтаб, икки йигитни туширишди-да, пулларини тортиб олишиб, дўппослай бошладилар. Эски Жувадан ўтирган йўловчи ва Шуҳратнинг нафаслари ичларига тушганча уларни кузатиб ўтиришарди. Роза тепкилаб хумордан чиқишди-да, ташлаб кетишди.

— Э, нима бало машинанг тижирлик қилапти? Тур, қараки нима гап экан,— деди Юнус жигибийрони чиқиб.

— Мойи қолмабди. Мой қуйиш керак,— деди Шуҳрат қалтираганча.

— Ҳозир уни ҳам боппаймиз.

Юнус Оржоникидзе туманида яшовчи тоғасининг уйига тормоз мойини сўраб кирганида, соат тунга 2 лар эди. Тога бемаҳалда дайдиб юрган жиянини олдига солиб ҳайдади.

Йўлда Юнус билан қайнотанинг фикри бир жойдан чиқиб қолди. Эски Жувадан олган йўловчи кўп нарсанинг гувоҳи бўлди, уни йўқотиш керак, деган қарорга келишди.

Тунги соат 3,5—4 лар орасида кимсасиз йўлда уни машинадан туширишди. Мириқиб тепкилаб, дўппосладилар. Сўнгра бир неча марта пичоқ санчиб, ташлаб кетворишди.

Энди навбат Шуҳратга. Машинаси бўлмаганида ҳам гўрга эди. Ўзини қидиришмаса ҳам, мана бу матоҳни

ФАРҒОНА шаҳар ички ишлар бўлимида ҳамкасбларига ўртак бўлаётган ходимлар қаторида милиция катта лейтенанти Абдунаби Эргашевнинг номи ҳам тилга олинади.

СУРАТДА: А. Эргашев участка вакили Комилжов Шарипов билан.

Ғ. УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.

## БИР КУНЛИК ФОЙДА

Кейинги пайда иқтисодий танглики баҳона қилган ҳамда ўзини ҳеч нарсадан беҳабар тутган баъзи кимсалар давлат мулкига ва жамоатчилик ҳақиқа кўз олайтирмақдлар. Улар ўз вақтида қўлга олиниб, тегишли жазога тортилишмоқда. Афсуски, ҳамма ҳам бундан керагича хулоса чиқариб олмаётми.

Яқинда Жиззах вилояти нефть маҳсулотлари оմборига қарашли 23-ёнилги қуйиш станциясидаги аҳволни кўздан кечирганимизда, бунга яна бир бор амин бўлдик. Станция оператори Анорбой Уразтоев фуқаро Ж. Шомуродовага 30 литр бензинни сотиб, 15 сўм олган вайтида ходимларимиз томонидан ушланди. Анорбой ҳеч иккиланмасдан куппа-кундуз кунини Ж. Шомуродовдан 2 сўму 40 тийин «уриб» қолган экан. Шундан кейин бизда яна шубҳа пайда бўлди ва

маҳсус асбоб ёрдамида 30 литр деб сотилган бензинни ўлчаб кўрдик. Натижанда 3 литр кам эканлигини, яъни 30 литр ўрнига 27 литр бензин берилганини аниқладик. Уч литр бензин пулга чақилса, 1 сўму 26 тийин бўлади. Демак, А. Уразтоев фақат биргина кишидан 3 сўму 66 тийинни ўз фойдасига олиб қоляпти. Агар бир кунда бу ердан юзлаб одамлар бензин харид қилишини ўйласангиз, Анорбойнинг кунлик «топиши» қанча бўлишини сезиш қийин эмас.

А. Уразтоевга қандай жазо беришни суд ҳал қилади. Лекин унга ўхшаганлар эртанги кунини, халқ олдига юзи шувит бўлиб қолишини эсдан чиқармасликлари керак.

Сафарали ҲАКИМОВ, БХТакор тумани ИИБнинг БХТакор катта операвакили милиция капитани.



## МУШТУМЗЎР УШЛАНДИ

Тошкент шаҳар ИИБ ДАН йўл-патрул хизмати инспектори милиция сержанти А. Аҳмедов Навоий ва Энгельс кўчалари кесинган чорраҳада хизматини ўтаётганида. Тахминан кеч соат еттиларда у йўл ҳаракати қондасини қўпол равишда бузган мотоциклчинини тўхтатди. Лекин «М-63» белгилли, 61-51 ТНА рақамли мотоцикл ҳайдовчиси милиция ходимига бўйсу-

нишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Ҳатто бошидаги мотодубулгаси (мотошлем)ни ечиб олиб, уни уришга ҳам журъат эди.




Илоҳсиз қолган инспектор ҳамкасбини — милиция сержанти Т. Алимовни ёрдамга чақирди. Ўзини шер билган ҳайдовчи ҳали ҳам жим бўлгиси келмасди. Иккинчи инспекторни ҳам уятли сўзлар билан ҳақорат

қилди ва унга ҳам қўл кўтаришгача бориб етди.

Тинчлик посбонларининг ҳурматсизланишига бефарқ қарай олмайдиган фуқаролар ҳам бор экан. Уларнинг ёрдами билан қондабузар ва муштумзўр ҳайдовчи Александр Маматов Киров тумани ИИБга олиб келинди.

Ахрор АКБАРОВ, милиция катта лейтенанти.





## ҚАБРИСТОНДАГИ ТУГУН

Тун, атроф жимжит. Марҳумлар тинч, оппоқ қор остида бу ишлардан беҳабар ётишибди. Қиш чилласининг изғиринида иссиқ ўрнини ташлаб ким ҳам бу қўрқинчли арвоқлар, руҳлар маконида ўтирарди дерсиз. Йўқ, чиндан ҳам ўтиришибди. Уларнинг диққати фақат бир нарсага қадалган, мияларида ҳам бир хил ўй чарх ураверади: «Келиши керак. Албатта, келиши керак». Ундан эса дарак йўқ. Уйқу босиб келади. Энди юракни тушқунлик ҳам эза бошлайди: «Наҳотки бугун ҳам келмаса, ҳаммаси бекор бўлса-я, шунча машаққатларимиз бир чақага арзимаса-я...»

Тунги совуқ эса забтига оларди. Қўллар ҳам увишиб, баданга титроқ кира бошлади. Тун ярмидан оққан. Узоқдан қоп-қора шарпа кўринди. У аввал секин, кейин эса тез-тез қабрлар ора-лаб кела бошлади. Чуқурча ёнига келгач, у ёқ бу ёққа кўз югуртирди-да, энгашиб тугунга қўл узатди. Уни чангаллаганча ўрнидан базўр кўтарилди-ю, қаршисидаги турган гавдани кўриб қўриқиб кетди. Мурдами деб ўйлаган эди. Йўқ милиция ходими экан. Ҳарқалай шуниси тузукроқ. ИИБга келтирилган шахснинг қаттиқ қўрқанидан анчагача тили калимага келмади. Ниҳоят у 1938 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишлашга бўйни ёр бермайдиган Кенжабой Мусаев эканлиги аниқланди. Аввалига бир ўзим ўғирлик қилганман, дея ишонтирмоқчи бўлган Кенжабойнинг шеригини топиш унча қийин бўлмади. Кўр-кўрни қоронғуда топади, деганларидек унинг ҳамтовоғи-ю, бу ишларда илҳомлантирувчиси ҳеч қаерда ишламайдиган, 1943 йилда туғилган Мадина Аднатуллина экан.

Коммунистик тумани ИИБга кетма-кет ўғирлик ҳақида шу ҳудудда жойлашган маҳалладан аризалар тушди. Бу-

лим бошлиғининг тергов ва суриштирув бўйича ўринбосари милиция майори Б. Қосимов, терговчи Т. Шоназаров, участка инспектори А. Дадажонов, ЖҚБ ходими С. Камоловлардан иборат оператив-тергов гуруҳи маҳаллага бориб, унинг ходимлари билан суҳбат ўтказиб, мазор ҳудудини обдон айланишти. Мазорнинг хилват чеккасига яширилган тугунни кўриб қолишди. Тугун эгаси келиши керак, деган тахмин туғилди.

— Маҳаллага аҳолидан кўп-лаб буюмлар ҳада қилинган бўлиб, ўғирлик ҳақидаги хабарнинг тарқалиши уларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлиб, бизларни ҳаммадан кўпроқ ана шу томонлари ташвишлантирарди. Чунки халқнинг пули ўғирланган эди, — дейди милиция майори Бахтиёр Қосимов. — Бекорчидан худо безор дейишади. Анча ёшга бориб, қилган гуноҳларини ювиш ўрнига, баттар жиноят ботқоқига ботишни ўзига эп билган бу икки танбални қилган иши жазосиз қолмайди, албатта.

Ҳа, жиноят жазосиз қолмайди. Аммо улар кўпайиб кетмаёптимики? Емирилган маънавиятимиз ҳатто маҳаллага, мазорларни ҳам оёқ ости қилмаёптимики? Ёшники, ёш деймиз, лекин Кенжабой ва Мадинага ўхшаш оқу қорани, яхши-ёмонни, ҳалол ва ҳаромни фарқига аллақачон етиши лозим бўлганларни нега шайтон ақлдан оздираётган экан? Базми кексаларимизнинг оғизларидан гоҳида «Бандасидан қўрқмасанг ҳам, худодан қўрқ» деган гапни эшитиб қоламан.

Ҳеч нарса муқаддас билинмайдиган, мумтозлик, бокираликка сиғиниш унутилган замонамизда бу гапларнинг қанчалар қадрию салмоғи бор, билмадим.

М. ИСРОИЛОВА.

**БАҒДОД** тумани ИИБда жисмоний ва касб тайёргарлигига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунинг учун жисмоний машғулотга ажратилган вақтда барча ходимлар туман марказидаги ўйингоҳга йиғилишади.

**СУРАТЛАРДА:** жамоат тартибини сақлаш бўлима-

си бошлиғи милиция катта лейтенанти Сойибжон Саминжонов қўл жанги сирларини кўрсатмоқда; машқ пайти; милиция лейтенантлари Мамазиё Жумабоев ва Шухрат Ботировлар ихлос билан шуғулланаётганлардан. Ғуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган суратлар.

## АЙБДОР ИЧКИЛИКНИНГ ЎЗИМИ?

Янгийўл туманида жойлашган 6-қурилыш трестига қарашли «Т-28х4» белгили 63-25 ТИ давлат рақамли прицепли тракторни бошқариб бораётган Азиз йўл ёқасида ўтирган танишларини кўриб тўхтади. Уртадаги жилва қилаётган шишага берақ қарай олмади.

— Қани қўйсаларинг қуйларинг, 50 грамм бўлса етади.

Яхшигина қизишиб олган Азиз дўстлари билан хайрлашиб йўлга тушди.

Кўзлари гилай тортган тракторчи йўл ҳаракати қондаларининг 3.6.11.1 бандларини қўпол равишда бузиб, йўлнинг ўнг томони қолиб,

чап томонига юрди. Уйига яқинлашар деганда, йўлнинг чап томонида ўйнаб юрган уч ёшли Мухторжонни босиб кетди.

Янгийўл тумани халқ суди Азиз Прменовни тўрт йил озодликдан, жазони ўтаб бўлгач, беш йилгача автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этди.

Бу жиноятнинг сабабчиси нафақат ичкиликдир, балки раҳбарларнинг лоқайдлигидир. Агарда корхона тракторчи ишдан сўнг гаражларда сақланганида ва қатъий тартиб-интизом бўлганида эди, эҳтимол бу жиноят юз бермасдики?

Қ. МАҲКАМОВ.

## КУЯСИЗМИ, КУЛАСИЗМИ?

Бекобод шаҳар савдо идорасига қарашли 2-кийим-кечак дўкони сотувчиси Гулчехра Мамажоновани танийсиз-а? Ҳа, берақалла, ўша эндигина 23 баҳорни қаршилаган қизни айтаёлман. Уша, тушмағур, жа ишнинг кўзини биладиди. 16 сўм 50 тийин турадиган болалар шими ёрлиғидаги «6» рақамини секингина «8» қилиб қўйибди. Буни харидор Омо Нуллаев мутлақо сезмабди, денг. Куппа-кундузи тўрт сўминини бекорга ташлаб кетаверибди. Яхшиям, БХССчилар бор экан.

Ажаб дунё, деганлари шуда. Халқ суди ҳукмига биноан тўрт сўмга тузоқ қўйган қизги-

на 400 сўм жарима тўлади.

Ангрен шаҳар савдо идорасига қарашли 64-озиқ-овқат дўкони сотувчиси 20 ёшли Зарифа Умарова ҳам кўп ейман, дея оздан қолибди. Устига-устак 300 сўм жарима тўлабди. У Эргашев ва Исмоилов деган харидорларга торт сотиб, бирдан 87 тийин, иккинчисидан 1 сўм 13 тийин уриб қолган экан.

Яна шу савдо ташкилотига қарашли 62-болалар кийим-кечаклари дўкони сотувчиси Хосият Иномова ҳам қинғирлик кўчасига кирибди-ю, пешонасига шаппатилаб чиқибди. У харидор О. Назаровага 4 жуфт оқ рангли пайпоқ

сотиб, 2 сўм 20 тийин олиб қолган экан (албатта «адашибди»).

Қуриб кетсин, ўша 2 сўм 20 тийин, унинг 400 сўминини жарима тариқасида етаклаб кетибди.

Оҳангарондаги 28-озиқ-овқат дўкони сотувчиси Улманой Болтаева ҳам «қуйганлардан бири. У харидор Эрмуҳаммад Сейдазовга нархи 81 тийин турадиган вермишелдан бир қутисини (25 килограмм) пуллаб, «атиғи» 4 сўм 75 тийин ортиқча олган экан. Шунинг учун 400 сўм жарима тўлади.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

Муҳаррир  
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,  
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,  
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —  
(«НА ПОСТУ»)  
Орган коллегии МВД  
УЗССР